

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: **“Yuridik shaxslar uchun elektr ta’minoti” bo’yicha shartnoma.**
2. Loyihaning nomi: Koson XTB (bundan buyon «Iste’molchi» deb yutilidai) nomidan Nizom asosida faoliyat kursatuvchi raxbar O, KARIMOV bir tomondan va O‘zbektelekom» AKning Qashkadaryo filiali nomidan bundan buyon «Operator» deb ataluvchi, O‘zbektelekom” AK Qashqadaryo filiali O‘zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarni rivojlantirish vazirligi tomonidan berilgan litsenziya va nizom asosida faoliyat ko‘rsatuvchi Koson telekommunikatsiya bog‘lamasi boshlig‘i O.Bobomurodov. bir tomondan, shartnoma tuzgan, ushbu shartnoma buyicha Operator telefon aloqasining universal (asosiy) va qo‘shimcha xizmatlarini ko‘rsatish, Abonent esa mazkur xizmatlardan foydalanish, hamda xizmatlar uchun haq to‘lash majburiyatini olishi haqida .
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:
Koson tuman xalq ta’limi bo‘limi tomonidan 2021-yil 6 yanvar kuni dasturga kiritilgan.
Loyiha O‘zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi “Iqtisodiyot yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to’g’risida”gi Qonuni, «Fuqarolik kodeksi» ning shartnomaviy munosabatlarini tartibga soluvchi moddalari talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti:



J.Orziqulov

Косон. ш

2022 йил « 6 » январ

«Узбектелеком» АКнинг Қашқадарё филиали номидан бундан буён «Оператор» деб аталувчи,
«Узбектелеком АК» Қашқадарё филиали Косон телекоммуникациялар боғламаси
 (операторнинг номланиши)

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси

(лицензия берган ташкилотнинг номи)

томонидан берилган лицензия ва низом асосида фаолият кўрсатувчи

Косон ТКБ Бошлиғи О.Бобомуродов

(раҳбарнинг мансаби, исм-фамилияси)

тимсолида бир томондан,

Юридик шахс.	
Бюджетдан маблаг олувчи ташкилот номи:	<u>Косон туман Халқ таълими бўлими</u>
Манзили:	<u>Косон туман Мустақиллик моҳ кўчаси</u>
Раҳбар,	<u>О. Каримов</u>

бундан кейин «Абонент» деб номланувчи иккинчи томондан қуйидаги шартномани шу ҳақда туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Оператор телефон алоқасининг универсал (асосий) ва қўшимча хизматларини кўрсатиш, Абонент эса мазкур хизматлардан фойдаланиш, ҳамда хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.1. Абонент тоифаси - бюджет

1.2. Абонент 202__ йилда бюджетдан маблаг олувчи ташкилотига курсатилган Интернет ва алоқа хизматлари учун қуйидаги график асосида ҳақ тулашни уз зимасига олади Жумладан:

Йил	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	(сумда)
					Жами бир йилда
2022 Бюджет хисобидан	<u>4500000</u>				<u>4500000</u>
Жами:					

Жами 202 2 йил учун: 4500000 (тўрт миллион беш юз минг) сум

1.3. Бюджет ташкилотининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узгаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчи ва хизмат хакини туловчилар томонидан узаро келишилган ҳолда шартнома суммасига узгартиришлар киритишга ҳақлидирлар.

2. ОПЕРАТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Операторнинг мажбуриятлари:

2.1.1. Белгиланган сифат даражасида телефон, интернет алоқаси хизматларини ўз вақтида кўрсатиш.

2.1.2. Оммавий ахборот воситаларида, Интернет, аҳоли гавжум жойларда, эълонлар бериш ёрдамида корхона фаолияти, янги АТС ларни ишга тушириш, янги хизмат турлари, телекоммуникация хизматлари учун белгиланган тарифларнинг ўзгариши ва бу хизматларни кўрсатиш тартиблари хақида хабар бериш.

2.1.3. Универсал хизматларга тарифлар ўзгарганлигини камида 15 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

2.1.4. Абонентнинг айбисиз телефон алоқаси бузилганда абонент томонидан таъмирлаш бюросига талабнома тушган вақтдан бошлаб абонент ускунаси ишламаган кунлар учун абонент тўловларини қайта ҳисоблаб чиқиш. Қайта ҳисоб-китоблар маълумот рўйхатга олинган кундан эътиборан соат 00.00 дан бошлаб тўлик суткалар учун амалга оширилади. Техник сабабларга кўра абонент рақамининг ўзгаришини камида 10 кун олдин абонентга ёзма равишда маълум қилиш. Ўрнатилган тартибда маҳаллий телефон сўзлашувлари тўғрисидаги маълумот-расшифровка (детализация)ни қўшимча тўлов эвазига Абонентга бериш.

2.1.5. Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматлар (телефакс, телекс, велеотекс ва хоказолар)нинг охириги ускуналарини шартномага кўшимча киритган холда (8-бўлимга биноан) рўйхатдан ўтказиш.

2.1.6. Оператор, шунингдек, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида телефон ва интернет алоқаси хизматларини кўрсатиш коидалари»да белгилаб берилган бошқа бир катор мажбуриятларга ҳам эга (бундан кейин матнда «Қоидалар»).

2.1.7. Оператор курсатилган хизматлар ҳисоб-варақ фактураларини ҳар ойда бюджет ташкилотига тақдим этиб бориш мажбуриятини олади.

2.2. Операторнинг ҳуқуқлари:

2.2.1. Янги телефон станциялари ишга тушиши ва телефон тармоқлари реконструкция қилиниши муносабати билан амалдаги «Қоидалар»га мувофиқ Абонентнинг руҳсатисиз, аммо унга ўз вақтида хабар берган холда, телефон рақамини бепул ўзгартириб қўйиш.

2.2.2. Оператор абонент линияларига тегишли сертификати бўлмаган ускуналар (телефон аппаратлари, телематик хизмат ускуналари, ахборот узатгичлар, радиотелефонлар, радиоузаитиргич, ПК, АОН ва бошқалар)ни ўчиртиришни операторнинг техник комиссияси томонидан далолатнома тузилгандан сўнг Абонентдан талаб қилиш.

2.2.3. Қуйидаги ҳолларда абонент ускунасини телефон тармоғига уланишини тўхтатиш:

- маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси учун 4.6., 4.6.1.-бандларга асосан алоқа хизматлари тўловлари тўланмаганда (бунда телефон ва интернет алоқасини узиш ҳақида абонент камида 3 кун олдин телефон билан огоҳлантирилиши зарур);

- абонент томонидан охириги қурилмаларни ишлатиш коидалари бузилганда ва бунинг натижасида оператор коммутацион ускуналарининг нормал ишлашига ҳалакит берган ҳолларда;

- 3.1.7.-банд бузилганда, оператор техник комиссиясининг далолатномаси тузилиб, бузилишлар бартараф этилгунга қадар.

Шартномани қайта тиклаш ва охириги қурилмаларни улаш белгиланган тартибда, камчиликлар тузатиб бўлингандан сўнг ва Абонент томонидан маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон алоқасининг телекоммуникациялар хизматлари учун ҳақ тўлангандан кейин амалга оширилади (алоқа хизматларидан фойдаланиш тўхтатиб қўйилган муддат ҳам қиради).

2.2.4. Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейин 2 ой давомида телефон ва интернет алоқаси хизматлари учун тўловни амалга оширмаса ёки 3.1.7.-бандларни бузишга йўл қўйса, ушбу шартнома бир томонлама бекор қилинади.

2.2.5. Оператор «Қоидалар»да белгилаб берилган бошқа бир катор ҳуқуқларга ҳам эга.

3. АБОНЕНТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ҳар чоракда камида 1 марта Оператор билан ўзаро ҳисоб-китобларни аниқлаш мақсадида солиштириш далолатномаси тузиш.

3.2. Оператор ҳисобидаги ёки у томонидан таъмирланадиган Абонент фойдаланиладиган уй телефон симлари ва бошқа ускуналарни ишга яроқли ҳолатда сақлаш. Абонентга тегишли бўлган ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникация воситаларининг техник меъёрларга мувофиқ бўлишини таъминлаш.

3.3. Алоқа бузилишлари ҳақида телекоммуникация боғламасининг таъмирлаш бюросига ўз вақтида хабар бериш.

3.4. Корхонанинг номи, реквизитлари ўзгарганда, ҳонани ижарага бериш бўйича, бир ой муддат ичида ёзма равишда, санасини кўрсатган холда Операторга хабар қилиш ва амалдаги тарифлар бўйича тўловлар эвазига шарномани қайта расмийлаштириш ёки уни бекор қилиш. Ижара муддати тугаши билан ёки ижарага бериш бўйича шартнома бекор қилинадиган бўлса, телефон алоқаси хизматини кўрсатиш бўйича тузилган шартнома ижарага олувчидан ижарага берувчи бепул қайта расмийлаштирилиши мумкин. Ижарага берувчи ижара шартномасини бекор қила туриб, ижарага олувчининг Оператор олдидаги қарзларини узишини назорат қилади ва қарзлар мавжуд бўлган тақдирда белгиланган тартибда жавобгар бўлиб ҳисобланади.

3.5. Абонентнинг алоқа «Қоидалар»ини қай даражада бажараётганини ёки абонент буюртмасига асосан таъмирлаш учун келган Оператор ходимини (агар у расми ёпиштирилган, корхона муҳри босилган, амал қилиш муддати кўрсатилган гувоҳномага эга бўлса) бинога киришга руҳсат этиш. Бунда Оператор ходимида бажариладиган ишлар наряди ҳам бўлиши зарур.

3.6. Абонент ускунасида пуллик хизмат кўрсатиш учун таксофон сифатида, Интернетга кириш ва хоказо мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Оператор томонидан ажратилган телефон рақамларидан телекоммуникация хизматларини кўрсатиш «Қоида»га белгиланган тартибда амалга оширилади. Ушбу банд бузилган тақдирда Оператор Абонентнинг телекоммуникация тармоғига киришини оператор техник комиссияси томонидан далолатнома тузилиб, камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Абонент томонидан мазкур ҳолатлар такрорланганда шартнома бир томонлама бекор қилинади.

3.7. Фақат сертификатланган телефон аппаратлари ва бошқа ускуналардан абонент ускунаси сифатида фойдаланиш. Мувофиқлик сертификати бўлмаган, телефон рақамини автоматик аниқлаш ускунаси (АОН)дан фойдаланмаслик.

3.8. Абонент телефонларидан ва бошқа охириги қурилмаларидан амалга оширилган маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашувлари учун тўловларни тўлик 4.3 – бандга асосан амалга ошириш.

3.9. Абонентлик қурилмасини ўзбошимчалик билан ўрнатиш ва параллел телефон аппаратлари ёки бошқа радио алоқаси, телематик хизматлар ва ахборот узатгичларига улаш таъқиқланади. Бу қурилмаларни улаш операторга маълум қилиниб, мувофиқлик сертификатига эга бўлгач амалга оширилади. Агар, Абонент томонидан ўзбошимчалик билан абонент линиясига уланган қурилманинг уланиш вақтини аниқлаш имконияти бўлмаса, абонент тўлови жорий йилнинг бошидан ҳисоблаб ундирилади.

Радиотелефонлар ва бошқа радиоэлектрон воситалар (10 мВт қувватли симсиз телефонлар бундан мустасно) абонент қурилмаси сифатида уланган тақдирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш Агентлиги ёки унинг ваколатли органидан бу қурилмалардан фойдаланишга руҳсатнома олиниши зарур.

- 3.10. Телекоммуникация тармоклари иш сифатини пасайтиришга ёки уларни шикастланишига қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги зарур.
- 3.11. Абонент «Қоидалар»да белгилаб берилган бошқа бир қатор мажбуриятларга ҳам эга.
- 3.12. Абонент курсатилган хизматлар ҳаққини тулаш учун «Туловчига» ҳар ойда ҳисоб-варақ фактуралар нуسخасини етказиб боради.
- 3.13. Абонент факатгина харажатлар сметасида алоқа хизматлари учун 2022 йилда ажратилган маблаглар доирасида шартноманинг 1.2 бандида курсатилган (бюджет ҳисобидан) туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.
- 3.14. Абонент томонидан бюджетдан маблаг олувчига қўрсатиладиган телефон алоқаси хизматларига қонунчилик асосида белгилаб бериладиган Ўзбекистон Республикасида амалдаги тарифлар бўйича ҳақ тўланади.
- 3.15. Телекоммуникация хизматлари учун тўловлар, нақд пулсиз бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида қўзда тутилган маблаглар доирасидан чиқмаган ҳолда мазкур шартноманинг 1.2. бандидаги бюджет ҳисобидан туланидиган қаторида курсатилган сумма асосида ҳар чоракнинг учдан бир қисми доирасида ойма –ой туловни амалга оширади.

4. ХИЗМАТЛАРГА ҲАҚ ТЎЛАШ

- 4.1. Абонент смета харажати маблаглари доирасида шартноманинг 1.2 бандига биноан ҳар ойнинг 15-санасигача жорий ой учун олдиндан 15% тулов топширикномасига асосан хизмат ҳақини тулайди, сметада ажратилган маблаглардан ортиқча курсатилган хизмат учун бюджет ташкилоти узининг махсус ҳисоб-рақамидан туланиши уз зимасига олади.
- 4.2. Маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси ва интернет учун тўловлар:
- олдиндан тўлов (бунак) йўли билан амалга оширилади.
- 4.3. Олдиндан бунак тариқасидаги тўловлар қаида 1 ой олдин, лекин 12 ойдан қўп бўлмаган муддат учун амалга оширилиши мумкин.
- 4.4. Телефон алоқаси хизматлари учун олдиндан тўланган бунак суммаси операторнинг биллинг тизими томонидан қуйидаги кетма-кетликда тақсимланиб тўланади:
- абонентлик тўлови ва қўшимча хизмат турлари;
 - ҳисоблагичлар;
 - шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар.
- Ушбу бандда қўрсатилган хизматларга тарифлар ошган тақдирда, улар бўйича ҳисоб-китоблар бунак суммаси тугагунга қадар амалда бўлган аввалги тарифлар бўйича амалга оширилади. (Агар бу хизматлар бўйича тўловлар универсал хизматларга тарифларнинг ўзгариши тўғрисида эълон берилишидан олдин амалга оширилган бўлса).
- 4.5. Маҳаллий сўзлашувлар (вақтбай асосида тўлов тизими жорий этилганда), шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасидан фойдаланганлиги учун тўлов ҳисоб варағига асосан (ахборот узатиш ва телематик хизматлардан фойдаланилганлиги учун тўловлар ҳам шунга қиради), ҳисоб варағида қўрсатилган санадан бошлаб 3 банк куни ичида амалга оширилади.
- 4.5.1. Ҳисоб-китоб қилинган ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача абонент «Оператор»нинг абонентлар бўлимига қўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун ҳисоб-варақ фактурасини олиш учун келиши керак, қўрсатилган муддатда келмаган тақдирда телефон ўрнатилган тартибда ўчириб қўйилади.
- 4.5.2. Абонент хоҳишига кўра оператор шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар бўйича маълумот (расшифровка)ни электрон вариант(файл ҳолати)да бериши мумкин.
- 4.5.3. Абонент шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар бўйича маълумотни такрорий сўраган ҳолларда ундан қўшимча равишда 300 сўм, агар электрон вариант(файл ҳолати)да бўлса 100 сўм (ҳар бир компьютер варағи учун) олинади. Мазкур тўловлар алоқа хизматлари тарифлари ўзгарганида қайта қўриб чиқилади.
- 4.6. Белгиланган муддатда алоқа хизматлари тўловлари тўланмаса, телефон ўчириб қўйилади, бунда оператор шартномани бекор қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ қарзларни ундириб олиш ҳуқуқига эга.
- Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейинги 2 ой давомида телекоммуникация хизматлари учун, шу жумладан, телефон ўчириб қўйилган вақт учун қарзларини тўламаса, Оператор «Абонент» билан келишилган ҳолда шартномани бекор қилиш ва қарзларни ўрнатилган тартибда ундириб олиш ҳуқуқига эга. Қайтадан телефон ёки бошқа охириги қурилмани ўрнатиш ариза берилиб, тегишли тўловлар амалга оширилгач амалга оширилади.
- 4.7. Агар абонент тўланиши лозим бўлган пул миқдорига, сўзлашув вақти ва бу сўзлашув унинг телефонига тегишли эканлигига норози бўлса, у ҳисоб варағини олгандан сўнг 30 кун давомида раддия ёзиши мумкин. 30 кундан сўнг эътирозлар қабул қилинмайди. Текширув натижалари Абонентни қаноатлантирмаса судга мурожаат қилиши мумкин.
- 4.8. Ушбу шартноманинг 4.8-банди бўйича текширув ўтказилаётганда телефон шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларга чиқиш коди(8)сиз ишлатиб қўйилади.
- 4.9. Ҳар ойнинг 1-чи куни ҳолатида дебитор қарздорлик мавжуд бўлса, «Оператор» қарздорлик суммасининг 0,1% миқдоридан тўловнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун, бу қарздорлик тўлик ундириб олингунча қадар пеня ҳисоблайди.
- 4.10. Абонентнинг айби билан телефон ёки бошқа охириги қурилма ишламаган пайтда улардан фойдаланиш бўйича абонент тўловлари тўлик миқдорда ундириб олинади.
- 4.11. Халқаро ва шаҳарлараро автоматик телефон алоқасидан фойдаланилганда, тўланиши лозим бўлган сўзлашув вақти сўзлашув бошланган вақтдан ҳисобга олинади. Телефонга уланган бирор бир техник ускуна (факс, автоматик жавоб берувчи, рақамни аниқловчи ва ҳоказолар) билан сўзлашув амалга оширилганда тўланиши лозим бўлган сўзлашув вақти ана шу ускуналар ишга тушган пайтдан бошлаб ҳисобга олинади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 5.1. Низоларни ҳал этиш чоғида томонлар ўзаро келишувга биноан иш тутадилар.
- 5.2. Томонлар ўзаро келиша олмаган ҳолларда, низолар Хўжалик судида ҳал этилади.

6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Ушбу шартнома шартларини томонлар бажармаган тақдирда уларнинг масъулияти Ўзбекистон Республикасининг «Фукаролик Кодекси», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги,

«Телекоммуникациялар тўғриси»ги қонунлари, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари» ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа бир қатор амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ томонларнинг жавобгарликлари кўриб чиқилади.

7.ФОРС-МАЖОР

7.1.Томонларнинг хоҳиш-истагига мувофиқ бўлмаган ҳолларда (табiiий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароитлари, ҳукумат чора-тадбирлари, ҳокимият идоралари қарорлари, ҳарбий тўқнашувлар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолатларда) томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари ушбу шартномани ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди, томонларнинг шартномани бажариш муддатлари юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бартараф этиб бўлинганга қадар кейинга сурилади.

7.2.Форс-мажор ҳолатларига таъниб иш кўрувчи томон ваколатли давлат органининг тасдиқланган тегишли ҳужжатини тақдим этиши керак.

8.ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

8.1.Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча Битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инobatга олиниши зарур.

8.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, «Қоидалар»да ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Ушбу шартнома 5 янвр 2022 йилдан қучга киради ва 2022 йил 31 Децбр гача амалда бўлади.

9.2. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;

- томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган тақдирда;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

9.3. Мазкур шартнома уч нусхада тузилган бўлиб, бир хил юридик қучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

10.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

«Буюртмачи»

«Ўзбектелеком АК» Қашқадарё филиали
Косон ТКБ Мустақиллик шох қучаси-110 уй
Тел/факс 75-592-22-22, 75-592-23-28
Х/р: 20210000404074838335
Банк номи: АТБ Алоқабанк қарши
МФО:00401 ИНН: 203366731
ОКОНХ: 61100

Косон Туман КТБ
Тел/факс: 75. 223. 16.15
Ш/хр: 600022860102297092100075004
Банк номи: АТБ. Марк. Банк
МФО: 600150 ИНН: 206398995
ОКОНХ: _____



Бойлик: _____, О.Бобомуродов

Фазначилик бўлими Косон филиали
Фазна х/в: 23402000300100001010
Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳар
МФО: 00014
Фазначилик бўлими ИНН: 201422919



Юридик хулоса:

«Ўзбектелеком АК» Қашқадарё филиали Косон Телекоммуникациялар боғламаси _____ суммасида тузилган алоқа хизмати қурсатиш буйича 202__ йил «__» _____ даги тузилган шартнома Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғриси» даги Қонун ва Фукаролик кодекси талаблари асосида тузилган.

-Шартнома талаблари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига жавоб беради.

-Шартнома мажбуриятлари бузиш ҳолатлари буйича жавобгарлик ва низоларни хал этиш чоралари амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беради.

Хуқуқшуноси: _____